



XVIII аср бошида Бухоро хонлигини чингизийлар хонадонидан бўлган Аштархонийлар бошқарар эди. Тарихий манбаларда уларни ўзбек сулоласи ҳам дейилади. 1711 йилда сулоланинг йирик вакилларида бири Убайдуллохон II ўлдирилди. Тахтга унинг укаси Абулфайзхон ўтирди. Манбаларда унинг амирлар кўлида кўгирчокка айланиб қолгани кўп айтилади. Ҳукумат устидан назоратни кўлдан бой берган ва бу даврда Фарғона водийси Бухородан ажралиб чиқади. Тахтга даъво қилиши мумкин бўлган барча оила аъзоларини қиличдан ўтказган Абулфайз Бухорони 36 йил бошқаради. Унинг фаолиятининг сўнгги 7 йили Эрон шоҳи Нодиршоҳ ҳукмронлиги остида кечади. Бу пайтда Бухоро Эроннинг ярим мустамлакаси ҳолида эди.

Абулфайзхон (1687-1747, 1711-1747) Бухоро хонлигида Аштархонийлар бошқаруви давридаги саккизинчи кўпчилик тарихчилар фикрига кўра сўнгги хон саналади. У 1696 йил баъзи манбаларда 1699 йилда Бухорода туғилган. Тарихчи Абдусаттор Жуманазаровнинг Абу Абдурахмон Абдуллохоннинг «Тарихи Бухоро ва таржумат ул-уламо» асарига таяниб 10 ёшда тахтга ўтирганлигини келтиради. Унинг ҳокимият тепасига қилиши акаси Убайдуллохонга қаратилган суиқасддан сўнг рўй берди, бу вақтда у 10-16 ёшлар атрофида бўлган. Мазкур воқеалар Муҳаммад Амин Бухорийнинг «Убайдуллонома» ҳамда Абдурахмон Толеънинг «Тарихи Абулфайзхон» асарларида кенг ёритилган.

XVIII асрда Эронда Сафавийлар сулоласи инкирозга учрай бошлади. Бир катор худудлар империя таркибидан ажрала бошлади. Шундай шароитда сафавий кўмондонлардан бири, туркманларнинг афшор уругидан чиккан Нодиршоҳ Афшор мамлакат тахтини эгаллаб, тез фурсатда империя чегараларини Хиндистонгача етказди. 1736 йилдан бошлаб эса азалий ракиблари бўлмиш ўзбек давлатлари, Бухоро, Хоразм ва Фаргонани эгаллашга бел боғлади.

Нодиршоҳ Хиндистонда жанг килар экан, унинг ўгли Ризокулимирзо Бухоро худудига хужум килади. Бухоро ва афшорийлар кўшини ўртасидаги илк жанг 1737 йил Карши якинида юз беради ва Ризокулимирзонинг галабаси билан тугади. Бунга карши Хоразм хони Элбарсхон туркманлар кўшинига карши жавоб хужумлари килди. Нодиршоҳ Хиндистондаги урушдан чалгимаслик учун Ризокулини Бухорони тарк этишга чакирди. Аслида Хоразм хонлари доимий равишда Хуросонга юришлар килиб турган. Жумладан, 1734-35 йилларда ҳам Элбарсхон Хуросонга хужумлар килиб, бир канча жойларни талаган эди. Кейинчалик, Нодиршоҳ кўшинига мағлуб бўлади.

Нодиршоҳ Хиндистондаги зафаридан кейин, асосий эътиборини Марказий Осиёдаги ўзбек давлатларига каратади. Бухоролик тарихчи ва сайёҳ Мир Абдулкарим Бухорий ўзининг Бухоро тарихига бағишланган китобида ёзишича, Абулфайзхон Нодиршоҳга бас келишига кўзи етмай, унинг хузурига элчилар юборишга қарор килади. Элчиликка Карши ноиби, хоннинг оталиги Мухаммад Ҳакимбий бошчилик килади. Ҳакимбий ўзи билан бирга қимматбаҳо совғалар ва хоннинг мактубини олиб Пешоварга – Нодиршоҳ хузурига боради. Элчилар бир канча нуфузли кишилардан иборат эди. Хоннинг мактуби эса куйидагича мазмунда битилган эди: «Мен қадим хонлар авлодининг сўнги вақилиман. Мен сен қаби қудратли подшоҳга бас келиш қудратига эга эмасман. Сенга яхшиликларни тилайман ва менинг меҳмоним бўлсанг, бундан бағоят шод бўлурмен». Нодиршоҳ ушбу сўзлардан жуда хурсанд бўлади ва элчиларни илик кутиб олади ҳамда уларга яхши муносабатда бўлади, жавоб мактубини юборади. Унинг мактуби куйидагича мазмунда эди: «Сизнинг ҳаракатингиз мени жуда хурсанд қилди ва қўнғимдан жой олди. Элчиларингизни ва совғаларингизни мамнуният билан қабул қилдим. Сизнинг содиқлигингиз, дўстлигингиз ва меҳрингиз бизни хушнуд этди. Элчиларингиз тақдим қилган барча нарса самимийлик нишонаси эди. Мен Элбарсни жазолашим шарт ва бир нобакорни жазолаш мен учун муқаддас бурчдир. Худо хоҳласа, Хиротга етиб борганимдан сўнг, Балхга қараб юраман ва у ердан сизнинг хузурингизга бораман ва ўзим худди отамдек қўрадиган сиз ҳазрат қабулида бўлишдан бахтиёр бўламан. Мени бир меҳмон ўлароқ қабул қилишингизни сўрайман. Мен хузурингизга фақат меҳмон ўлароқ бораман ва бундан бошқа ҳеч қандай ниятларим йўқ. Менга сизнинг давлатингиз ҳам, ҳазинангиз ҳам керак эмас. Сизга, азиз дўстимга, Хиндистондан олиб келган бир канча совға юбормоқдаман. Уларни арзимас деб қабул қилишингизни сўрайман. Ушбу мактуб орқали сизга барча эзгуликларни тилаб қоламан». Нодиршоҳнинг мактубидан қўриниб турибдики, у Абулфайзхоннинг ҳаракатларидан ҳақиқатда, қониқиш ҳосил қилган. Ўз навбатида Нодиршоҳнинг жавоб мактуби ҳам хонни хурсанд қилган. Хат ва совғалар келиши билан, Абулфайзхон Элбарсхонга ҳам мактуб юборди ва уни ҳам Нодиршоҳга таслим бўлишга чақирди. Аммо Элбарсхон бунга рози бўлмади ва Абулфайзхонга ҳақоратомуз тарзда жавоб юборди. Абулфайзхон бошқа Элбарсхонга мактуб юбормади. Ўзи эса Нодиршоҳ ташрифига тайёргарлик қўра

бошлади.

Балх шахрига етиб келган Нодиршоҳ Абулфайзхонга Бухорога келаётгани хабарини йўллади. Кўшинга бир оз дам бергач, ярим кўшинга Амударёни кечиб ўтишга рухсат берди ва колган ярмини артиллерия билан бирга чап сохилда колдирди. Керкида уни Мухаммад Рахимбий совга-салом билан каршилади. Кейин эса Чоржўй оркали Амударёдан кечиб ўтилди. Коракўлда Абулфайзхон бухоролик саййидлар, хўжалар, юкори мартабали диний уламолар ва шахслар хамрохлигида Нодиршоҳни кутиб олди. Расмий кабул маросими ўтказилди. Нодиршоҳ Абулфайзхонга тож совга килди ҳамда унга «шоҳ» рутбасини берди. Энди у Абулфайзшоҳ бўлди. Эртаси куни хон Бухорога жўнаб кетди. Нодиршоҳ эса Чорбакрга келди. У ерда у Абулфайзхон кизларидан бирига уйланди. Яна бирини эса жияни Одилшоҳга турмушга берди. Нодиршоҳ бутун Туркистон (Марказий Осиё) бошқарувини Абулфайзшоҳ(хон)га топширди. Мухаммад Рахимбийга эса хон рутбасини ҳам берди. Шунингдек, унга Туркистондан йигилган 6 минг сара жангчи ҳам берилди.

Шундан сўнг, Нодиршоҳ Чорбакрдан Чоржўйга кетди. У ердан Одил шоҳга харамни Машхадга олиб бориш топшириги берилди ва у билан бирга Мухаммад Рахимхон ҳам Машхадга жўнатилди. Бу ўзига хос гарант эди. Чунки Рахимбийнинг отаси Ҳакимбий хонликдаги энг нуфузли киши ва бутун ҳокимият унинг кўлида эди. Нуфузли кишининг ўгли душман хизматига жалб килиниши эса Бухоронинг Эронга тобелигининг гаранти ҳисобланарди. 1843 йилда Ҳакимбий вафот этди ва шу тариқа хонликда амирларнинг исёнлари бошланиб кетди. Чунки Ҳакимбий уларни каттиққўллик билан тийиб турар эди. Айтиш мумкинки, Бухоронинг Нодиршоҳга тобе йиллари Абулфайзхон ўйлаганидек сокин кечмади. Давлатнинг турли ҳудудларида исёнлар тинмасди. Бундай исёнларнинг энг йириги Ибодулла Ўзбек исёни эди. У Тошкент, Самарканд, Миёнколони эгаллаб, пойтахтгача етиб келди. Абулфайзшоҳ эса Нодиршоҳга ёрдам сўраб мактуб юборишга мажбур бўлди.

Нодиршоҳ Бухорога ёрдам учун сара жангчилардан иборат 12 минглик кўшин юборди. Кўшинга Ҳасанхон Баёз ва Бехбудхон Жиндаул бошчилик килди. Ёрдам кўшинининг келганини эшитган Ибодулла Ўзбек Тошкентга чекинди. Кўшин унинг ортидан таъкиб килди. Нодиршоҳ Мухаммад Рахимхонга ҳам Бухорога юришни топширди. Бухорога кайтишни режа килиб юрган Мухаммад Рахимхон учун бу айти муддао эди. Бу пайтда Нодиршоҳга карши исёнлар ҳам кўпайган эди. Нодиршоҳ ушбу исёнларни бостириш чоғида ўлдирилди. Кўл остидаги ҳудудлар бирин-кетин ажралиб чикди. Шу тариқа Бухоро, Балх, Хоразм яна ўзбеклар кўлига ўтди.

Чоржўйга етиб келган Мухаммад Рахимхон Нодиршоҳ ўлими ҳақидаги хабарни эшитди ва буни сир саклади. Кейин эса Бухорога етиб бориши билан хон ҳузурига шошди. Унинг кўшини ҳам у билан бирга саройга кириб келди. Кабулхонага кириши билан у хонни кўлга олишни буюрди. Шу тариқда Мухаммад Рахимхон Бухоро тахтини эгаллади. Абулфазйхон эса оз сонли одамлари билан Жўйбор хўжалари ҳузурига боради. Аммо улар Рахимбийнинг газабидан кўркиб, унга ёрдам беришдан бош тортади. Барча нарсасидан маҳрум бўлган Абулфайзхон Намозгоҳ дарвозаси оркали шаҳардан чикди ва Каландархонага жойлашди. Кейин эса Рахимбийдан ҳаж зиёрати учун керакли микдорда ёрдам сўради. У бир неча кун Каландархонада колди.

Бу пайтда Ибодулла Ўзбек ортидан кетган эронликлар галаба билан кайтди. Улар ҳамон Нодиршоҳнинг вафотини эшитмаган эди. Бир неча кундан кейин Бухоро остоналарига етиб келган форслар Мухаммад Рахимхоннинг ҳаракатларини эшитиб газабга минди.

Чунки Рахимхон Абулфайзхонни Мир Араб мадрасасидаги хужралардан бирига камаб кўйган эди. Улар Нодиршоҳ тирик бўла туриб, Рахимхоннинг бундай ҳаракатидан газабланган эди. Муҳаммад Рахимхон эса уларга Нодиршоҳ вафоти ҳақидаги хабарни айтиб мактуб йўллади. Унинг мазмуни куйидагича: «Уйингизга қайтиб кетинг. Кетар чоғда ҳеч қандай жиноят қилиш ҳақида ўйламанг. Менинг ўзбек эканлигим ва хонликка ҳаққим йўқлигини айтмоқчи бўлсангиз, эсланг, Нодиршоҳ қанча шохларнинг бошини олганини». Аммо форслар бунга қулоқ солишни истамади. Шунда Рахимхон форс кўшинидаги гилзай афгонларга махфий тарзда элчи юборди. Уларга Қандаҳор абдали кўлида эканлигини, Нодиршоҳ ўлганини, уларнинг Бухорода қилишлари мантикли эканини, уларга ер ва мулк ажратиб беришини айтади. Улар эса шу кечанинг ўзида бу таклифга рози бўлди ҳамда Рахимхон буйруғи билан Бухорога кирди. Шу кечанинг ўзида Абулфайзхон қатл этилди. Шу тариқа Муҳаммад Рахимхон Бухоронинг янги мутлақ ҳукмдорига айланди.

Бир пайтлар бутун дунёни титратган Чингизхон авлодларининг сўнги кунлари шу тариқа якунига етди. Марказий Осиё, Россия, Хитой, Эрон ҳудудларида улкан империя яратган сулоланинг энг сўнги йирик вакили Абулфайзхон шу тариқа ҳаётдан кўз юмди. Туркистонда ҳокимият энди чингизий бўлмаган ўзбек сулолалари қўлига ўтди. Муҳаммад Рахимхон Мангитлар сулоласи ҳукмронлиги бошлаб берган ҳукмдор сифатида тарихда қолди. Илк мангитлар даврида сохта чингизий хонлар анъанаси сақланиб қолган бўлсада, амалда уларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Амир Шохмурод замонидан бошлаб эса хонлик амирлик тарзда бошқариладиган бўлди.

Абулфайзхон шахсияти ҳақида

Қўпчилик тарихий асарларда Абулфайзхон шахсияти билан қўғирчоқ ҳукмдор тушунчалари ёнма-ён қўлланилади. Аммо тарихнависликда бу борада чуқур тадқиқотлар сони нисбатан оз. Шу сабабли, бу масалага оид ҳулосаларни тугал бериш учун тадқиқотлар сонини ошириш лозим. Биз мазкур масалага оид муаммога назар ташлар эканмиз, қизик маълумотларга ҳам дуч келдик.

Тарихчи олим Б.Алимджоновнинг М.Шайбонийхон яратган «тизим» XVIII аср биринчи ярмига келиб анча заифлашлаган эди. Бу биринчи навбатда, биргина Абулфайзхон шахсиятига боғлиқ жараён эмас эди. Хусусан XVII аср ўрталарида Бухоро хонлиги қўшни Хива хонлиги, шимолда Қозоқ хонлиги ва Балх масаласида Сафавийлар ва Ҳиндистон (Бобурийлар) билан доимий рақобатлашди. XVIII аср бошига келиб, Убайдуллахон II (кейинги ўринларда Убайдуллахон) бошқаруви даврида ички низолар бу жараёни тезлаштирди. Убайдуллахон бу жараёнларга барҳам бериш мақсадида дастлаб саройга яқин амирлар билан иттифок тузишга ҳаракат қилди аммо бу яхши амалий натижа беришига қўзи етмасдан (бунинг асосий сабаби уларга берилган «танҳо» ерларини қайтариш истаги хонда мавжуд эди) жиддий сиёсий-иқтисодий ҳатоликни келтириб чиқарга пул ислохотини амалга оширишга уринди. Шунингдек, газнани тўлдириш мақсадида мамлакатнинг энг бой қатламларидан саналган Маҳдуми Аъзам хонадони вакиллари ерларига ҳам эътибор қаратиши халқнинг ҳам хонга қарши қайфиятда бўлишига замин ҳозирлади, унга нисбатан бир қатор амирлар суиқасд уюштириб ўлдиришди.

Ақасининг ўлдирилиши бир томондан Абулфайзхонга қувонч бағишлаган бўлса иккинч томондан унинг доимий қўрқинч ичида яшаши учун ҳам замин яратди. Бу омиллар эса

хокимиятнинг дастлаб Жавшан Калмок кўлида, кейинчалик кенагас кабиласидан Иброхимбий ва Мухаммад Хакимбийлар кўлида тўпланишига сабаб бўлди. Жавшан Калмокнинг саройдаги хунрезликлари ва тахт учун даъвоси натижасида Абулфайзхон хокимиятни марказлаштиришга қаратилган баъзи амалий ишларни амалга оширган. Бунга асос сифатида Жавшан Калмокнинг ўлдирилиши, Мухаммад Хакимбийнинг марказий хокимиятдан узоклаштирилиши ва унинг Россияга юборган элчилик миссиясини келтиришимиз мумкин. Ушбу миссия орқали у ХВИА асрда тўхтаб қолган қурол-яроғ савдосини қайта қонлантирди, Б.Черкасский харбий миссияси ҳақида маълумот тўплади.

Лекин маълум вақт давомидаги марказсизлантириш ҳаракати мамлакатни қисмларга бўлинишига сабаб бўлган эди. Абулфайзхон буни бартараф этиш даражасида харбий ва моддий қудратга эга эмас эди. Самарқандда Ражаб Султон хокимиятининг ўрнатилиши (1722) ва қозоқларнинг Қовароуннахрни етти йил давомида талаши, Эрон томонидан Балх ҳудудининг эгаллиниши (Ризоқули томонидан), Мухаммад Хақимбийнинг ҳоинлиги қабил омиллар Бухоро хонлигининг Эронга вассал бўлишига сабаб бўлди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Абулфайзхон шахсияти тарихда ҳали тўлиқ ўрганилмаган шахслардан саналади, қўллаб адабиётларда унга нисбатан қўрқок, ожиз қабил сифатларнинг берилиши бир томонлама қараш маҳсулидир. Таҳлиллар уни узок давом этган ички қурашлар натижасида шаклланган тизим қурбони сифатида қўрсатмоқда.

Жаҳонгир ОСТОНОВ.

Oyina.uz